



2020 yil "27" январ

№ 42-К

Jomboy tuman

Жомбой туманидаги Галакапа кўчаси "Жомбой дехкон бозори" худуди атрофидан 2 қаватли замонавий савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун фуқаро Ахмедов Шерзод Шавкатовичга 29.7 кв.м ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қарорига асосан Жомбой туман Галакапа кўчасида жойлашган "Жомбой дехкон бозори" худудида 2-қаватли замонавий савдо мажмуаси қурилиши муносабати билан фуқаро Ахмедов Шерзод Шавкатовичга тегишли 20.8 кв.м ер майдонидаги савдо дўкони бузилишга тушганлиги сабабли етказилган зарарни қоплаш мақсадида қўшимча 8.9 кв.м ер майдони бириктирилган ҳолда Галакапа кўчаси "Жомбой дехкон бозори" худуди атрофида жойлашган туман захирасида бўлган ер майдонида Ахмедов Шерзод Шавкатовичга 2-қаватли савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун 29.7 кв.м ер майдон ажратиш ва танлаш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиясининг далолатномасини ва тўпланган тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29-майдаги 97-сонли қарорига асосан ва фуқаро Ахмедов Шерзод Шавкатовичнинг аризасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг 2020 йил 10 январдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Жомбой тумани Галакапа кўчаси "Жомбой дехкон бозори" худуди атрофидан 2 қаватли замонавий савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун фуқаро Ахмедов Шерзод Шавкатовичга 29.7 кв.м ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3..Фуқаро Ахмедов Шерзод Шавкатовичга 2-қаватли савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун замонавий архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш меъёрларига мос равишда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ва тегишли ҳужжатларни архитектура бўлиmidан рўйхатдан ўтказдириш вазифаси юклатилсин.

4..Туман бош архитектори И.Рашидовга савдо ва маиший хизмат биносини тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига асосан қурилиши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Жомбой туман филиали бошлиғи И.Рахимовга 29.7 кв.м. ер майдонини жойида натурада ўлчаб бериш вазифаси юклатилсин.

6. Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан экология экспертиза ҳулосаси олингандан сўнг қурилиш ишларини бошлаш белгилаб қўйилсин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Жомбой туман ҳокимининг ўринбосари Х.Хамраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.Туйчиев